

**“ЖАРҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
3-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35 уй**

2025-йил 29-август

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35 уй, “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони—5 034 990 дона

“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида-Йиғилиш) жамият Бош директорининг 2025 йил 08 августдаги 01-01/38-сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 08 августда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2025 йил 29 августда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана — 2025 йил 08 август.

“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ акциядори 2 567 840 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Ҳакимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. А.Исломов—“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. Ў.Қиличов—“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

3. М.Қаюмов-жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Ш.Баратов—жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қўлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Ш.Баратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2025 йил 25 август ҳолатига шакллантирилган “Жарқўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 797 та акциядорга тегишли **5 034 990** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **4 021 770** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **79,88%**ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Р.Турсунов-жамият Бош директори.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ ва “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ўртасида 2020-йил 16-ноябрда имзоланган 20/20-сонли, “Сурхон” ҳамда “Боботоғ” пахта тайёрлаш масканлари ўртасида имзоланган 2019 йил 24 августдаги 71-сонли ва 2019 йил 24 августдаги 72-сонли олди-сотди шартомасидаги сотиб олиш тўловларини амалга ошириш графиги бўйича қарздорликларни амалга ошириш муддати узайтириш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чикиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 2 та масала кўрсатилганлигини маъруза учун 10 (ўн) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 10 (ўн) дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилишда раиси А.Исломов Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашинининг 2025 йил 08 августдаги мажлис қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Баратов Шаймардон Суюнович, жамият бош бухгалтери Қодиров Ўткирбек Фозилович ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадилович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 4 021 770 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ; “Номўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилиши **қарор** қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташкари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Баратов Шаймардон Суюнович;
- 2) Қодиров Ўткирбек Фозилович;
- 3) Гулямов Нигматулло Кадилович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чикиб, йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш “Лойиха офиси”нинг 2025 йил 08 августдаги СХ-12/08 хдфу-сонли мурожаати жамиятга келиб тушганлиги ва қуйидаги топшириқлар берилганлиги маълум қилинган (“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш “Лойиха офиси”нинг мурожаати илова қилинади).

Мазкур мурожаатда, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 1 августдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2025 йил 28 июлдаги 61-сон мажлиси баёни ижросини ташкил этиш тўғрисида”ги 323 хдфу-сонли буйруғига асосан, “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш “Лойиха офиси”га тегишли топшириқлар берилгани маълум қилинган.

Хусусан, “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ ва “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ завод қоши ўртасидаги 2020 йил 16 ноябрдаги имзоланган 20/20-сонли, “Сурхон” ҳамда “Боботоғ” пахта тайёрлаш масканлари ўртасида имзоланган 2019 йил 24 августдаги 71-сонли ва 2019 йил 24 августдаги 72-сонли олди-сотди шартномаларидаги сотиб олиш тўловларини амалга ошириш графиги бўйича қарздорликларни амалга ошириш муддатини уч (3) йилга узайтиришга ҳамда ушбу тўловларни график бўйича тенг тақсимланган ҳолда тўланишига рухсат берилганлигини инобатга олиб, мазкур масалани “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖнинг тегишли бошқарув органларида кўриб чиқирилишини ҳамда бошқарув органлари қарорига асосан олди-сотди шартномаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қўшимча келишув битимлар тузилишини таъминлаш белгиланганлиги маълум қилинди.

Қўшимча сўзга чиқган жамият Бош директори Р.Турсунов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018-йил 19-сентябрдаги 744-сонли қарорига асосан, “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли завод қоши, “Сурхон” ҳамда “Боботоғ” пахта тайёрлаш масканлари мулкий мажмуа сифатида “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ га 5 йил муддатга босқичма-босқич тўлаш шarti билан 2020 йил 16 ноябрда 20/20-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда **35 710 054,93 минг сўмга** (ҚҚС билан), 2019 йил 24 августдаги 71-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда **2 395 539,8 минг сўмга** (ҚҚС билан) 2019 йил 24 августдаги 72-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда **3 009 713,46 минг сўмга** (ҚҚС билан) сотилганлигини эслатиб ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида**” ги 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103 сон Фармонининг 4-бўлими б)-бандида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга ўзайтириш белгиланганлиги инобатга олиниб, жамият акциядорларининг 11-сентябрь 2024-йилдаги навбатдан ташқари 2-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан тўлов графиги бир йил муддатга, яъни 2025-йил 01-июнга қадар узайтирилган бўлсада, ушбу шартномада белгиланган графикга асосан тегишли маблағлар бугунги кунга қадар тўлиқ тўлаб берилмаганлигини маълум қилди.

Жамият Бош директори Р.Турсунов “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ ўртасида 2020 йил 16 ноябрда имзоланган 20/20-сонли шартномадаги тўлов графигининг муддатини уч йил муддатга узайтирилиши таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 567 840 та овоз; “Қаршиллар” – 1453 930 та овоз; “Бетарафлар” – йўқ; “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш “Лойиха офиси”нинг 2025-йил 08-августдаги СХ-12/08 хдфу-сонли мурожаати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ ва “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ ўртасида 2020-йил 16-ноябрда имзоланган 20/20-сонли, “Сурхон”, “Боботоғ” пахта тайёрлаш масканлари билан имзоланган 2019 йил 24 августдаги 71-сонли ва 2019 йил 24 августдаги 72-сонли шартномалардаги сотиб олиш тўловларини амалга ошириш графигининг муддатини 3 йилга яъни 2028-йил 01-сентябрга қадар узайтирилсин.

3. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ Бош директори Р.Турсунов:

а). “Termiz Jayhun Cluster” МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графигининг муддатини уч йилга узайтириш бўйича қўшимча келишувлар тузсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

А.Исломов

Йиғилиш котиби:

Ш.Баратов



Йиғилиш баённомаси 2025 йил 3 сентябрь куни икки нусхада тузилди.